

БОШҚАРУВ МАҚСАДИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ

Режа:

1. Бошқариш мақсади ва унга қўлланиладиган асосий талаблар.
 2. Бошқарув мақсади турлари.
 3. Бошқариш функциялари мазмуни ва моҳияти.
 4. Бошқаришнинг асосий , ўзига хос аниқ функциялари.
 5. Асосий функциялар:
 6. Бошқарув техникаси
 7. Бошқарувнинг ташкилий фармойиш усули.
 8. Бошқарувнинг ижтимоий-психологик усуллари.
 9. Қисқа хулосалар.
-

Мақсад:

- Мақсад- бу муддао, мурод , яъни у ёки бу ниятга эришмоқ учун кўзда тутилган муштарак орзу. Айнан , шу мақсад киши фаолиятини , ўз орзуларини ушалишига йўналтиради. Биз дастлаб ўзимизнинг олдимизда турган мақсадимизни аниқлаб оламиз, сўнгра эса шу мақсадимиз:
-

Мақсад:

- бўлажак ҳаракатларимизни олдиндан аниқлаб беради;
 - фаолиятимизнинг устувор йўналишини белгилайди;
 - фаолиятимизни аниқ соҳа, ишга йўналтиради;
 - у ёки бу фаолиятимизнинг зарурлик даражасини белгилаб беради;
 - пировард натижамизнинг баҳолаш меъёрларни белгилайди ва ҳк.
-

Бошқарув мақсадига қўйиладиган асосий талаблар қуйидагилардан иборат:

- ✓ Мақсад бир маъноли ва аниқ бўлиши керак.
 - ✓ Мақсад реал ва бажарилиши мумкин бўлиши керак
 - ✓ Мақсад миқдоран ўлчовга эга бўлиши керак.
 - ✓ Мақсад барча бажарувчиларга тушунарли бўлмоғи даркор
 - ✓ Мақсад бўлимлар ва маъсуллар бўйича деталлаштирилган бўлиши керак.
 - ✓ Мақсад кўп қиррали бўлиши керак.
-

Бошқарув мақсади турлари.

Бошқарув мақсадлари жуда ҳам хилма-хилдир. Бу эса уларни муайян тарзда туркумлашни тақозо этади. Мақсадни туркумлаш белгилари:

1. Умумжамият миқёсидаги муносабатларни акс эттиришга қараб;
2. Бошқарув поғоналар (даражалари) га қараб;
3. Амалга ошириш муддатига қараб ;
4. Бошқарувнинг амалга оширилишига қараб;
5. Кутиладиган натижаларга қараб;
6. Мураккаблик даражасига қараб;

Мақсадлар:

1. сиёсий мақсадлар, иқтисодий мақсадлар, социал мақсадлар, маърифий-маънавий мақсадлар, халқаро муносабатлар соҳасидаги мақсадлар ва бошқ.
2. Худудий бошқариш мақсадлари:
 - мамалакат мақсадлари
 - вилоят мақсадлари
 - туман мақсадлари
 - қишлоқ мақсадлари
 - ишлаб чиқариш мақсадлари
 - халқ хўжалиги мақсадлари
 - тармоқ (сектор) мақсадлари
 - корхона (фирма) мақсадлари
 - якка шахс мақсади

Мақсадлар:

3. жорий мақсадлар
 4. истиқболдаги (перспектив) мақсадлари
 - узлуксиз (кундалик) мақсадлари
 - фурсатли мақсадлар
 - бир марталик мақсадлари
 5. пировард мақсадлар
 - оралиқ мақсадлари
 6. оддий, анъанавий мақсадлари
 - муаммоли мақсадлари
 - инноватсион мақсадлари
-

Мақсади турлари

- Жорий мақсадлар деганда 1 йил ичида, йил чораги, 1 ой ва ундан ҳам камроқ муддат мобайнида амалга ошириладиган мақсадлар тушунилади. Масалан, Корхона бўлимлари олдида 1 йил мобайнида амалга оширилиши мўлжалланган қўйидаги функциясионал жорий мақсадлар қўйилган бўлиши мумкин.
- Истиқболли (перспектив) мақсадлар деганда 5 йил ёки ундан кўпроқ давр мобайнида амалга ошириладиган мақсадлар тушунилади. Масалан, республикамызда ишлаб чиқилган “Кадрларни тайёрлаш Миллий дастури” ни руёбга чиқаришдек улуғвор мақсад 3 босқич 1997-2001, 2001-2005, 2005 ва ундан кейинги йилларни ўз ичига олади:

Бошқариш функциялари мазмуни ва МОҲИЯТИ.

Дастлаб “функция” ва “вазифа” ибораларнинг луғавий маъноси тўғрисида икки оғиз сўз.

- “Функция ” – бу лотинча сўз бўлиб, бирор кимса ёки нарсанинг иш, фаолият доираси, вазифаси деган маъноларни билдиради
- “Вазифа” – бу амалга оширилиши , ҳал қилиниши лозим бўлган масала, ўрганилиши лозим бўлган, кўзда тутилган мақсад, ёки бирор-бир топшириқ, хизмат юмуш, хизмат лавозими, мансаб, амал демақдир.

“Функция” ва “вазифа”

“Функция” тушунчаси “вазифа” тушунчасига нисбатан торроқ , маънога эга. Зеро, функция фақат ўз фаолият доирасидаги вазифаларни ўз ичига олади.

- “Вазифа” эса ўз фаолият доирасидаги вазифаларни ўз ичига олади.
- Бошқарув функцияси деганда у ёки бу объектни бошқаришга оид аниқ вазифаларни ҳал этишга қаратилган бир турдаги ишлар ҳам мажмуи тушунилади.
- Бошқарув функцияларининг мазмуни у ёки бу фаолиятни ташкил қилишдан келиб чиқади. Масалан, ишлаб чиқаришнинг дастлабки босқичида:
 - лойиҳалаш;
 - конструкторлик

Бошқариш функциялари

- Бошқариш функциялари – кўп қиррали тушунчадир. Шу сабабли уларни муҳим белгилар бўйича туркумларга ажратиб ўрганиш зарурияти туғилади. Бошқарув функцияларининг моҳияти , таснифи ва мазмунини ўрганиш бошқарувнинг бутун жараёнини тартибга солиб туриш учун зарурдир, чунки юқорида таъкидлаганимиздек, бошқарув мазмуни жараён сифатида унинг функцияларида намоён бўлади.
-

Бошқаришнинг асосий , ўзига хос аниқ функциялари.

Ҳарб менежментининг бугунги замонавий назарияси бошқариш функцияларини таснифлашда , энг аввало унинг асосий (умумий) функцияларига устуворлик беради:

- р режалаштириш
- р ташкил қилиш
- р тартибга солиш ва мувофиқлаштириш
- р назорат
- р рағбатлантириш (мотивлаштириш).

Бошқариш функциялари.

- Бошқариш режалаштиришдан бошланиб, фаолиятни ташкил қилиш, уни рағбатлантириш билан давом эттирилиб, назорат билан тугайди. Бу ерда мувофиқлаштириш барча функциялар жараёнида ўз аксини топади.
- Бу функциялар бошқарувнинг ҳамма босқичларига хос бўлган умумий хусусиятларга эга бўлиб, бошқарув аппаратининг барча раҳбарлари ва мутахассислари фаолиятида мавжуд бўлади. Уларни , шунингдек , бошқарувнинг ҳамма томонларини қамраган функциялар дейиш ҳам мумкин, яунки улар бошқарув тизимини ҳам бўйига (вертикалига), ҳам энига (горизонталига) қамраб олади.

Бошқариш функциясини таснифлашнинг иккинчи ёндошувида

Бошқариш функциясини таснифлашнинг иккинчи ёндошувида бошқариш ишини аниқ ижрочилар бўйича тақсимлашга устуворлик берилади. Бунда бир бутун аниқ функциялар тизими ажратилади. Масалан. Замонавий ғарб фирмаларида ишлаб чиқаришга оид 20-25 тадан кам бўлмаган функциялар ажратилади. Булар қуйидагилардир:

- ☑ асосий ишлаб чиқаришни бошқариш;
- ☑ қўшимча ишлаб чиқаришни бошқариш;
- ☑ ишлаб чиқаришга хизмат қилувчи ишлаб чиқаришни бошқариш;
- ☑ маркетингни бошқариш;
- ☑ молиявий бошқариш;
- ☑ сифатни бошқариш;
- ☑ меҳнатни бошқариш;
- ☑ ходимларни бошқариш;
- ☑ инновацияни бошқариш ва ҳк.

Асосий функциялар:

- t 1. Режалаштириш . Бошқаришнинг асосий ва дастлабки функциясидир. Ҳар қандай бошқариш режа тузишдан бошланади. Бу режада бошқарув мақсадлари ва вазифалари, уларни амалга ошириш муддатлари белгиланади, вазифаларни амалга ошириш усуллари ишлаб чиқилади, халқ хўжалиги бўғинларининг ўзаро алоқалари ўрнатилади.
- t 2. Ташкил қилиш. Бу функция бошқарув объекти доирасида барча бошқарилувчи ва бошқарувчи жараёнларнинг уюшқоқлигини таъминлайди.

Асосий функциялар:

- t 3. Мувофиқлаштириш ва тартибга солиш. Режалаштириш бошқаришнинг стратегияси ҳисобланса, мувофиқлаштириш бошқаришнинг тактик масалаларини ҳал қилади. Мувофиқлаштириш маблағларни тежаш мақсадида бошқарувдаги параллелизм ва бир-бирини такрорлашни бартараф қилиш имконини беради.
 - t Тартибга солиш мувофиқлаштиришнинг давоми бўлиб , у содир бўлиб турадиган ўқишларни бартараф қилиш йўли билан ишлаб чиқариш жараёнларини амалга оширишни мақсад қилиб қўяди. Унинг ёрдами билан вужудга келиши эҳтимоли туғилган ўқишларнинг олди олинади.
-

Асосий функциялар:

- t 4 Назорат. Бу функциянинг мақсади “тутиб олиш”, “айбини очиш” “илинтириш” эмас, балки бошқарув объекти содир бўлаётган жараёнларни ҳисобга олиш, текшириш , таҳлил қилиш ва маълум тартибда шу объект фаолиятини ўз вақтида созлаб туришдир. Таъсирчан назоратни ташкил қилиш ҳар бир раҳбарнинг функционал ишидир. Мунтазам назорат йўқ жойда юқори пировард натижаларга эришиб бўлмайди.

Функциялар

Бошқариш фаолиятининг турларига кўра, функциялар қуйидагича бўлади:

- р бошқаришнинг иқтисодий функциялари.
- р бошқаришнинг социал функциялари
- р бошқаришнинг маънавий-маърифий функциялари.

Қайд қилинган функциялар бир-бири билан боғлиқ ва маълум даражада тартибга солинган кўп унсурлардан, таркибий қисмлардан иборат бўлиб, улар яхлитликка эга. Шунинг учун ҳам бошқариш жараёнида уларнинг бирортаси ҳам эътибордан четда қолмаслиги керак.

Бошқарув техникаси

- Бошқарув техникаси - бу аклий меҳнат техникаси, бошқарув тизимида ахборотни қайта ишлаш техникаси. Техника воситалари қанчалик такомиллашган бўлса бошқарув технологияси, бошқарув жараёни шунчалик самарали бўлади. Хисобларга асосан мамлакат иқтисодиётини мақбул Бошқариш учун йил давомида 10 та элементар арифметик операция бажариши зарур бўлса, Бошқарув аппарати ходимлари 10 та, яъни 10 минг марта кам операция бажариш қобилиятига эга эканлар.
-

Бошқарувнинг ташкилий фармойиш

усули.

- Бошқарувнинг ташкилий-фармойиш усуллари бошқарувчи ва бошқарилувчи тизимлар самарали фаолият юритишини таъминловчи таъсир этиш тизимидан иборатдир. Бошқарувнинг ташкилий-фармойиш усуллари иктисодий усулларни тўлдириб, бозор иктисодиёти конунлари. Хукукий актларни ҳисобга олиш ва бажаришга асосланади.
- Давлат махсус тузилган бошқарув ташкилотлари воситасида бошқариладиган тизимга маъмурий ва ташкилий жihatдан таъсир ўтказади. Менежмент тизимида ташкилий усуллар умумий мақсадга эришиш учун ишлаб чиқарувчиларнинг ҳамкорликдаги ҳаракати тартибга солинадиган маъмурий ҳужжатлар асосида амалга ошади. Ташкилий-фармойиш усулини қўллаш асосини бошқарувнинг барча тамойиларига риоя қилиш ташкил этади.

Ташкилий-барқарорлаштириш

- Ташкилий-фармойиш усуллари ташкилий аниқликни таъминлайдилар, ташкилий тизим, бошқарувнинг ҳар бир бўғини вазифаларини белгилаб беради.
- Таъсир этишнинг ташкилий-барқарорлаштириш усуллари асосий мақсади ҳамкорликда ишлаш учун ташкилий асос яратишдир, яъни, вазифа, мажбурият. Жавобгарлик ва ваколатларни таксимлаш, тартиб урнатиш ва ҳ.к. Маъмурий таъсирнинг ташкилий шакллари икки ташкилий регламентлаш ва ташкилий меёрлаш тури мавжуд. Ташкилий регламентлаш воситасида давлат Бошқарувчи ва Бошқариладиган тизимга уларнинг мақбул нисбатини, ташкилий тизимини ва ҳар бир даражада Бошқарув чегараларини аниқлаш мақсадида таъсир этади.

Фармойиш усуллари

- Таъсир этишнинг фармойиш усуллари чекловчи хужжатларда кўзда тутилмаган мавжуд вазиятдан келиб чиккан холда кундалик жадал Бошқариш мақсадида қўлланилади. Фармойиш таъсирининг асосий мақсади Бошқарув аппаратининг аниқ харақати, Бошқарувнинг барча булинма ва хизматлари барқарор ишлашини таъминлаб беришдан иборат. Таъсир этишнинг фармойиш усуллари буйруқ, фармойиш, курсатма ва бошқа меёрий хужжатлар асосида амалга оширилади.

Буйрук

- Буйрук - бу рахбарнинг қўл остидаги ходимлардан маълум вазифани бажаришни ёзма ёки оғзаки равишда талаб қилишидир. Буйрук фақат чизиқли бошқарув тизими рахбари томонидан берилади. Фармойиш - ходимлардан айрим ишлаб чиқариш ва хужалик масалаларини ҳал этишни талаб қилишдир. Фармойиш бошлик уринбосарлари, хизматлар бошликлари, улар эга бўлган ваколатлари доирасида берилади. Бошқарув амалиётида қўлланиладиган таъсир қилиш усулларида бири - оғзаки курсатмадир. Таъсир қилиш усулларида бири - оғзаки курсатмадир. Таъсир этишнинг бундай шаклини барча даражадаги рахбарлар, лекин купинча куйи даражадаги командирлар, бригада бошликлари, усталар қўллайдилар.

Фармойиш ва Буйруқ

- Фармойиш воситасида таъсир этиш бажариш муддатлари билан фарқ қилади. буйруқ ва фармойишлар узоқ ёки қисқа муддатда мўлжалланган бўлади.
- Ҳар бир буйруқ ёки фармойишда қандай вазифа бажарилиши, қачон бажарилиши кераклиги белгиланади. Таъсир этишнинг фармойиш усули ташкилий таъсирга нисбатан унинг бажарилишини назорат қилишни кўпроқ талаб этади. Ижро этишнинг бориши назорат килингандан сўнг яна фармойиш билан таъсир этишга эҳтиёж туғилади. Фармойиш усулининг қўлланиш кўлами бошқарув кадрлари малакаси, ташаббускорлиги ва қобилиятига боғлиқдир.

Бошқарувнинг ижтимоий-психологик усуллари.

- Бошқарувнинг ижтимоий-психологик усуллари - бу ишлаб чиқарувчи ва айрим шахсларга уларнинг ижтимоий эҳтиёжлари ва психологик хусусиятларига таъсир этиш билан Бошқариш воситасидир. Бошқарувнинг ижтимоий-психологик усулларини қўллаш корхонада юз бераётган ижтимоий ходисаларни чуқур ўрганиш ходимлар нерв системаси кайфиятига таъсир этувчи психологик (рухий) омилларни билишни талаб этади.

Бошқарувнинг ижтимоий-психологик усуллари.

- Кишилар фикрлаш усулида ўзгариш юз бериши ва улар маданий ҳамда билим даражаси ортиб бориши билан ижтимоий-психологик усуллар ахамияти ҳам ортиб боради. Бундай шароитда шахснинг эҳтиёж ва манфаатлари маънавий соҳа томон узгариб боради. Ўз меҳнатидан қониқишнинг муҳим омили бўлиб ишлаб чиқарувчиларнинг раҳбар билан ўзаро яхши муносабати ишлаб чиқаришдаги қулай ижтимоий-психологик вазият хизмат қилади.
- Бошқарувнинг ижтимоий-психологик усуллари ишлаб чиқаришда мавжуд ижтимоий механизмни (ўзаро муносабат тизими, ижтимоий эҳтиёжлар) қўллашга асосланади. Бошқарувнинг ижтимоий усуллари ижтимоий тартибга солиш воситасида амалга оширилади.

Бошқарувнинг ижтимоий-психологик усуллари.

- Ижтимоий тартибга солиш усуллари турли гуруҳлар ва шахслар мақсади ва манфаатларини аниқлаш ва ростлаш йули билан ижтимоий муносабатларни тартибга солиш ва уйғунлаштириш мақсадида қўлланилади.
- Бошқарувнинг психологик усуллари жамоада мақбул психологик ҳолат ташкил этиш йули билан кишилар уртасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилгандир. Психологик усулларга кичик гуруҳ ва жамоаларни ташкил этиш, меҳнатни инсонийлаштириш, малакали кадрлар танлаш ва уларни уқитиш ва х.к.лар қиради.

Бошқарувнинг ижтимоий-психологик усуллари.

- Инсон фаолияти маълум рағбатлантирувчи омилларга асосланган бўлиб, маълум мақсадга эришишга қаратилгандир. Рағбатлантирувчи омил - мақсад муносабати инсон фаолияти ўзагидир. Умумий маънода рағбатлантирувчи омил - бу инсонни фаолият юритиш учун ундовчи омил бўлиб, мақсад эса инсон уни амалга ошириш натижасида эришишни хоҳлаган нарсадир.
- Раҳбарга хос бўлган муҳим хусусият кишилар фаолиятини рағбатлантирувчи омилларни яхши билиш, ҳар бир кишини у ёки бу вазифани бажаришга қизиқтира олишдир.

Қисқа хулосалар.

- Мақсад- бу муддао, мурод, яъни у ёки бу ниятга эришмоқ учун кўзда тутилган муштарак орзу. Айнан, шу мақсад киши фаолиятини, ўз орзуларини ушалишига йўналтиради.
- Бошқарув функцияси деганда у ёки бу объектни бошқаришга оид аниқ вазифаларни ҳал этишга қаратилган бир турдаги ишлар мажмуи тушунилади. Демак, бошқарув муайян функциялар орқали амалга оширилади. Функцияларни аниқлаш, уларнинг моҳиятини очиш ва ўрганиш бошқарув жараёнини тўғри ташкил қилишнинг муҳим шартидир.

Этиборингиз учун раҳмат!
